

## Мултазам нима?



11:14 / 16.06.2025 1885

У Ҳажарул асвад рукни билан Каъба эшиги оралиғи бўлиб, ўлчами икки метрдир.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Мултазам рукн билан эшик оралиғидадир», дедилар.

Мужоҳид: «Рукн билан эшик орасида мултазам бордир», дедилар.

Бу жой дуолар ижобат бўладиган ўриндир. Дуо мобайнида икки билак ва кафтни кўкракка ёпиштирмақ суннатдир.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бу зот тавоф қилиб, намоз ўқиб, кейин рукни ўпиб, сўнгра тош билан эшик олдида тик туриб, икки қўл, чаккаларини кўкракларига ёпиштириб:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай қилиб турганларини кўрдим», дедилар.

Абу Зубайр: «Абдуллоҳ ибн Умар, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳулар мултазамда туришганини кўрдим», дедилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: «Бирор киши қора тош билан Каъба эшиги олдида туриб Аллоҳга дуо қилса, барча яхши кўрган нарсаларининг ҳожати чиққанини кўради», дедилар.

Мужоҳид: «Рукн билан эшик орасидаги жой Мултазам деб номланади. Одамлар ўша ерда Аллоҳдан бирор нарса сўрашса ёки бирор нарсдан паноҳ тилашса, Аллоҳ уни уларга беради», дедилар.

***Макка, Каъба, Замзам тарихи,***

***ҳаж ва умра маносиклари» китобидан.***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/ 6905-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.